

оружия, боеприпасов, следов выстрела. При этом должны неукоснительно соблюдаться законы и иные нормативно-правовые акты, что определяет допустимость доказательств, связанных с огнестрельным оружием. От оптимального взаимодействия эксперта с должностными лицами, осуществляющими последовательную проверку, дознание или предварительное следствие при назначении и проведении судебно-баллистической экспертизы зависит раскрытие и быстрое, качественное расследования.

Использованная литература

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы» // www.lex.uz
2. Погребной А. А. Диагностические исследования ручного огнестрельного оружия и их применение в доказывании: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 2000. – 23 с.
3. Белкин Р. С. Курс криминалистики. – М., 2001. – С. 297.
4. Яценко О. В. О классификации патронов к ручному огнестрельному оружию / О. В. Яценко // Криминалистические чтения: сб. мат-лов / Барнаульский юрид. ин-т МВД России. – Барнаул, 2008. – С. 74–79.
5. Хасанов Ш.Х. Сборник образцов заключений по баллистической экспертизе: Учебно-практическое пособие / Ш.Х. Хасанов, А.Д. Хусанов, Т.Б. Маматкулов. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2014. – С.3.



Н.С.Саитова

*Суд экспертлик илмий-тадқиқот институтининг
Суд-тиббий, психиатрия, психологик ва биологик экспертизалари
илмий тадқиқот бўлим бошлиғи,
1-даражали юрист*



С.Б.Бахтиёрова

*Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси Маркази Одам
ДНКси суд-биологик экспертизаси лабораторияси,
катта эксперти, 3-даражали юрист*

ОДАМ ДНКСИ СУД-БИОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН АШЁВИЙ ДАЛИЛЛАРНИ ОЛИШ ҲАМДА САҚЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Статья посвящена основной приоритетной проблеме, возникающей при проведении судебно-биологической экспертизы ДНК человека. Актуальность данной темы заключается в том, что исход

исследований молекулярно-генетической экспертизы напрямую зависит от того, насколько квалифицированно были изъяты вещественные доказательства с мест преступлений.

Ключевые слова: ДНК экспертиза, объекты исследований, правила изъятия, упаковка вещественных доказательств.

Аннотация: Мақола одам ДНКсини суд-биологик экспертизаси тадқиқоти давомида юзага келадиган асосий устувор муаммоларга бағишланган. Ушбу мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, тадқиқотнинг натижаси молекуляр генетик экспертизаси учун тўғридан-тўғри ходиса содир этилган жойлардан ашёвий далилларни қанчалик малакали олинига билан чамбарчас боғлиқ.

Калит сўзлар: ДНК экспертиза, текширув объектлари, ашёларни олиш қоидалари, ашёларни қадоқлаш.

Annotation: The article is devoted to the main priority problem arising during the forensic biological examination of human DNA. The relevance of this topic lies in the fact that the outcome of the research molecular genetic examination directly depends on how well the physical evidence was seized from the crime scenes.

Key words: DNA examination, research objects, withdrawal rules, packaging of physical evidence.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасида ўзаро тотувликни сақлаш Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамалакатимизда шахсининг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олишга ҳамда бу турдаги жиноятларга қарши курашишга алоҳида муҳим вазифа сифатида қаралмоқда.

Қасдан одам ўлдириш, номусга тегиш, бочқинчилик, талончилик каби шахсининг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган ўта оғир жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш мураккаб иш бўлиб, у баъзан жиноят қурбони бўлган фуқаронинг шахсини ёки жиноятни содир қилган айбдорни аниқлаш ва бошқа бир қатор мураккаб қийинчиликлар билан бевосита боғлиқ бўлади [1].

Ҳозирги замон биология фанининг, хусусан, молекуляр генетика ва генмуҳандислиги соҳасининг жуда тез ривожланаётганлиги одамнинг алоҳида идентификация белгиларини бевосита ДНКси (дизоксирибонуклеин кислотаси) бўйича текшириб аниқлаш имконини бермоқда. Ҳар бир одамнинг ДНКси ўзига хос, такрорланмас (бир тухум эгизакларини ҳисобга олмаганда) алоҳида тузилишга эга эканлиги жуда юқори аниқлик билан идентификация қилиш имкониятини бермоқда. Шу сабабли ҳам айтиш мумкинки, ДНК экспертизаси жиноятчиликни очишда, воқеа жойида қолдирилган изларни идентификация

қилишда, шахси номаълум мурдаларнинг шахсини аниқлашда, низоли қариндошлик каби масалаларни ҳал этишда жуда долзарбдир.

Одам ДНКси СБЭ лабораторияси идентификация, диагностика ва классификация каби масалаларни ҳал этади. Идентификация масаласига биологик изни гумондаги шахс солиштирма қон ёки сўлак намунаси билан солиштириш орқали унинг шахсини аниқлаш, қон доғлари, сўлак, соч, тер намунаси, тана бўлаклари ва бошқа биоматериалларни бир шахсдан келиб чиққанлигини аниқлаш, қон доғлари, сўлак, соч, тер намунаси, тана бўлаклари ва бошқаларнинг гумондаги шахснинг қариндошлари биоматериаллари билан солиштириб унинг шахсини аниқлаш кабилар киради. Диагностика масаласига биоматериалнинг ДНК тадқиқотлари учун яроқлилигини аниқлаш, боланинг биологик ота-онасини аниқлаш, ота ёки она авлод бўйича ўзаро биологик қариндошликни аниқлаш, этник келиб чиқишни аниқлаш кабилар тааллуқлидир. Классификация масаласига эса воқеа жойидан топилган биоматериалларнинг жинс мансублигини аниқлашни киритиш мумкин.

Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси объектларига ўз таркибида ДНК молекулаларини сақлайдиган ҳар қандай одам биологик материаллари, жумладан қотиллик содир этилгандаги биологик материаллар ташувчилар киради. Уларга мисол қилиб, воқеа жойидаги қон излар; қон ва тана ажратмаларининг қуриб қолган излари; ашёвий далилдаги биологик излар (қон, сўлак, тер-ёғ излари), яъни сигарет қолдиқлари; воқеа жойида қолдириб кетилган кийим-кечаклар, жумладан кепка, ниқоблар; стакан; бакалажкалар; қотиллик қуролларидаги биологик излар (қон, тер-ёғ излари), яъни пичоқ, арқон, стол, стул, турли темир буюмлар, шиша идишлар, тошлар каби қотиллик қуроллари сифатида фойдаланилган барча нарсалардаги қон ва тер-ёғ қолдиқлари; воқеа жойидан топилган соч толалари; бўлакланган тана қолдиқлари; мурда объектлари; тишлар ва суюқ фрагментлари; ўзида маний қолдиқларини сақловчи турли кийимлар, ички кийимлар, ёпинчиқлар, ёстиқлар, суртмалар ва бошқаларни келтиришимиз мумкин.



1-расм



2-расм

Ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида предмет-ташувчидан биологик изларни, хусусан, қон, тери (потожировое), сўлак, соч намуналарини олишда алоҳида синчковлик ва эътибор талаб этилади. Суюқ ҳолатда бўлган биологик

излардан намуна олишда ҳароратни муқобил ушлаб турадиган ва герметик зич ёпиладиган стерил капилляр ёки микрошприцлардан фойдаланиш мумкин.

Биологик материал излари (қон, қон доғи, маний, сўлак, тер ва бошқалар) мавжуд бўлган ашёвий далиллар (масалан, пичоқ, болта ва бошқалар) бутунлигича олиниши лозим. Агар ашёвий далил катта бўлиб, уни бутунлигича олиш имконияти бўлмаса, унинг биологик материал мавжуд бўлган бўлаги олиниши керак. Шунингдек, бу ҳолда бўлинган нарсанинг бошқа тоза бўлагидан ҳам намуна олиниши шарт. Агар буларнинг ҳар иккаласини ҳам олиш имконияти бўлмаса, бу ҳолда биологик материал қириб олиниши ёки биологик материалдан тоза бинтда суртма олиниши зарур.

Биологик материалдан тоза бинтда суртма олиш учун тоза бинт бўлагидан фойдаланилади. Тоза бинт бўлагини дистилланган сув ёки физиологик суюқлик билан намланган ҳолда биологик материалдан суртма олиниб, ушбу суртма олинган тоза бинт бўлагини хона ҳароратида қуриштириш керак, сўнгра эса ушбу бинт бўлагини алоҳида ва тоза бинт бўлаги намунасини алоҳида тоза қоғозда ёки конвертга солиб, ўрамларни муҳрлаб, уларда тегишли ёзувларни қайд этиб, тергов ҳаракати иштирокчилари томонидан имзоланиши зарур.

Биологик изларни олиш жараёнида, хусусан, ювма олинганда эксперт-криминалист (ёки терговчи) алоҳида стерил перчаткаларда ишлаши лозим ва ашёвий далилга унинг сўлаги тушмаслиги учун махсус маска тақиши мақсадга мувофиқ бўлади. Биологик из мавжуд зона алоҳида ўраб олиниши лозим ва эксперт-криминалист (ёки терговчи) ашёвий далилдан махсус кийим билан изорлирланган бўлиши керак.



3-расм



4-расм

Бундан ташқари, бугунги кунда ашёвий далилдаги биологик изларни мавжудлигини яққол кўрсатиб берувчи замонавий махсус спрейлар (Нингидрин-принт) ҳам ишлаб чиқилган.

Бундай спрей биологик изларни ашёвий далилнинг қайси қисмида мавжудлигини аниқ кўрсатиб беришда ва умуман, ДНК экспертизаси тайинлаш учун зарурат бор ёки йўқлигини аниқлашда қулай восита бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, доллар купюраларида (пулларда) тери излари, бошқача айтганда, бармоқ излари мавжудлигини аниқлашда ҳам мана шундай спрейдан фойдаланиш бугунги кунда анча самарали восита бўлиб ҳисобланмоқда.

Одам ДНКси суд-биологик экспертизасига такдим этиладиган ашёвий далил ва солиштирма намуналарни тўғридан тўғри куёш нури, узоқ вақт намлик ва юқори ҳарорат таъсирида қолдириш мумкин эмас. Шунингдек, ашёвий далиллардаги доғларни бўёқлар билан бўяш, уларга қоғоз, мато ва бошқалар бўлагини елимлаш ҳам тавсия этилмайди. Чунки бу ҳолат тадқиқот давомида натижа олинмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

Тадқиқот учун такдим қилинган ашёвий далиллар ва солиштирма намуналар бузилмаслиги учун олдиндан қуритилган ҳолда қоғоз ўрамлар ёки пакетларда қадокланган ва муҳрланган бўлиши лозим. Муҳрланган ва тегишли ёзувлар билан изоҳланган ўрамлар бутунлиги бузилмаган бўлиши лозим.

Иш бўйича тирик шахслардан солиштирма қон намуналари махсус стерил лабораторияларда қўл бармоғидан 0,5 мл миқдорида стерил докаларга шимдирилган ҳолда олинади. Қон олиш жараёнида бир марта ишлатиладиган стерил игна(скарификатор)лардан фойдаланилади. Бунда овқатланиш тартибига ҳеч қандай талаблар йўқ.

Текширув учун такдим этилган мушак ёки суяк намуналари -20 °С да сақланиши лозим. Бу турдаги намуналарни иссиқ ва намлик юқори бўлган мухитда сақлашга йўл қўйилмайди. Агар биологик материаллар мавжуд бўлган кийимлар ёки биологик материал намуналари марказий иситиш воситалари ва газ ёки электр плитаси ёнида, иссиқ куёш нури тушиб турган хоналарда сақланадиган бўлса, улардаги ДНК ўзининг идентификацион хусусиятларини йўқотиши мумкин [1].

Юқорида айтиб ўтилганидек, ДНК экспертизасининг текширув объектлари бўлмиш, қон, сўлак, тер ажралмалари, маний, сочлар кабилар жиноятнинг очилишида, хусусан жиноятчи шахсини идентификация қилишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда текшириш учун материал ва ҳужжатларни тайёрлаш қоидаларига, экспертизани ўтказиш услубларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда берилган ДНК экспертизасининг хулосаси ўзининг аниқлаги ва юқорида даражада ишончлилиги билан ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Одам ДНКси бўйича суд биология экспертизаси ўтказишни тайинлаш тактикаси бўйича услубий қўлланма. – Т., 2000.